

УЎК (УДК, UDC): 177
DOI:

“ОЧИК ЖАМИЯТ” КОНЦЕПЦИЯСИ ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА МУЛОҚОТ МАЙДОНИ



Нодирабегим Шукуржон қизи КУРБАНОВА

Докторант

Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат бошқаруви академияси
Тошкент, Ўзбекистон
kr.nodirabegim@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада “очик жамият” концепцияси моҳияти, унинг асосчилари яратган асарлар ва уларда илгари сурган ғоялар тадқиқ этилган. Шунингдек, ушбу концепциянинг давлат ва жамият бошқарувида тутган ўрни ҳамда сиёсий плюрализмни таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти илмий-назарий жиҳатдан ўрганилган. Шу билан бирга, мақолада Шарқ ва Ғарб тамаддунида “очик жамият” концепцияси, “фуқаролик жамияти” тушунчасининг ривожланиш эволюцияси илмий жиҳатдан ўрганилган ва Ўзбекистон Республикасида ахборот соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар баён этилган. Мавзу юзасидан тегишли илмий хулосалар берилган.

Калит сўзлар: сиёсат; очик жамият; фуқаролик жамияти; давлат; фуқаро; матбуот; оммавий ахборот воситалари.

ЭВОЛЮЦИЯ КОНЦЕПЦИИ «ОТКРЫТОГО ОБЩЕСТВА» И ДИАЛОГОВОЕ ПОЛЕ

Нодирабегим Шукуржон қизи КУРБАНОВА

Докторант

Академия государственного управления при
Президенте Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан
kr.nodirabegim@gmail.com

Аннотация

В статье исследована суть концепции «открытого общества», научные произведения и идеи основателей данной концепции. Также теоретически изучена роль данной концепции в государственном и общественном управлении и роль средств массовой информации в обеспечении политического плюрализма. Кроме этого, в статье исследована эволюция концепции «открытого общества» и понятия «гражданское общество» в восточных и западных цивилизациях, также изложены реализуемые реформы в информационной сфере в Республике Узбекистан. Приведены соответствующие выводы по данной тематике.

Ключевые слова: политика; открытое общество; гражданское общество; государство; гражданин; пресса; средства массовой информации.

EVOLUTION OF THE OPEN SOCIETY CONCEPT AND DIALOGUE FIELD

Nodirabegim Shukurjon qizi KURBANOVA

Doctoral student

Academy of Public Administration under the President

of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

kr.nodirabegim@gmail.com

Abstract

There is explored the essence of the “open society” concept, scientific works and ideas of the founders of this concept. So it is scientifically and theoretically learned the role of this concept at state and public administration, and the role of mass media in ensuring political pluralism. Besides the article scientifically studies the evolution of “open society” concept and the “civil society” notion in Eastern and Western civilizations, and describes the ongoing reforms in the sphere of information in the Republic of Uzbekistan. There are corresponding conclusions given for this topic.

Keywords: politics; open society; civil society; state; citizen; press; mass media.

Халқ билан мулоқот, одамларнинг орзу-интилишлари, дарду ташвишлари билан яшаш давлат сиёсати даражасига кўтарилаётган бугунги кунда ҳар бир оммавий ахборот воситаси чинакам мулоқот майдонига, эркин фикр минбарига айланган тақдирдагина биз ўз олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз.

Ш. М. МИРЗИЁЕВ

Кириш

Миллий тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистон учун ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, очиклик, ошкоралик, плюрализм каби илғор ғояларнинг ривожланиши учун барча шароитлар яратиш устувор вазифалардан ҳисобланади.

Президент Ш.М. Мирзиёев Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан журналистлар ва соҳа мутахассисларига йўллаган табриги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 йиллигига бағишланган маросимда сўзлаган нутқида демократик ислохотларни амалга оширишда журналистларнинг машаққатли хизмати беқиёс эканига тўхталиб, миллий оммавий ахборот воситаларини “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтариш масаласи долзарб аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

2018 йилнинг апрель ойида мазкур масалаларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг 2 та Қонуни қабул қилинди. “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунлар кучга кирди.

“Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуннинг 10 га яқин моддасига ўзгартиришлар ва унинг таркибидаги бобларга тегишли қўшимча моддалар киритилди.

2018 йил 28 декабрда Президент Ш. М. Мирзиёев томонидан Олий Мажлисга йўлланган мурожаатномада “Аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотлар ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш янги йилда ҳам фаолиятимизнинг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб қолади” (1) деган фикрлар илгари сурилди.

Шу нуқтаи назардан ҳам бугунги кунда оммавий ахборот воситаларига нисбатан “очиқ мулоқот майдони” деган таърифни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Жорий йил 9 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони билан “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепцияси” қабул қилинди. Ушбу Концепциянинг 3-боби “Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш” деб номланган бўлиб, унда ҳуқуқий мавзуларни ёритиш ҳамда аҳолини қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашга доир телекўрсатувлар тайёрлаш, оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги фаолиятини рағбатлантириш бўйича ҳуқуқий механизмларни белгилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш, ҳуқуқий даврий нашрларни интернет тармоғига интеграция қилиш, “Ҳуқуқий ахборот” радио лойиҳасини ташкил этиш, ҳуқуқий соҳага ихтисослашган журналистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини доимий ошириб бориш тизимини яратиш, янги қонун ҳужжатларига мустақил экспертлар, мутахассислар ва аҳолининг фикри ҳамда муносабатини акс эттирувчи таҳлилий ток-шоу, баҳс-мунозара йўналишидаги кўрсатув ва эшиттиришларни эфирга узатиш, аҳоли ўртасидаги долзарб ижтимоий-ҳуқуқий муаммолардан келиб чиқиб, фуқароларнинг ҳуқуқий маърифатини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган таъсирчан телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни ҳамда ҳуқуқий мавзудаги лойиҳаларни тайёрлаш, оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик назоратини таъминлаш борасидаги ролини ошириш, уларнинг давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан алоқасини кучайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни ташкил этиш, давлат органлари ахборот хизматларининг ҳуқуқий ахборотни тарқатишдаги роли ва

ўрнини кучайтириш, давлат органи нуфузига таъсир кўрсатадиган салбий хабарлар бўйича зудлик билан муносабат билдириб бориш механизмини яратиш каби устувор вазифалар белгилаб қўйилди (2).

Демак, миллий тараққиёт йўлида оммавий ахборот воситаларининг ролини тадқиқ этиш давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифалардан ҳисобланади. Сабаби халқ билан мулоқотни жадаллаштиришнинг самарадор омили оммавий ахборот воситаларининг ушбу жараёнда фаол иштирокидир. Чунки оммавий мулоқотни ташкил этишда кўпчиликни диққатини жалб эта оладиган, хилма-хил фикрларни бир нуқтада жамлаб, умуминсоний тамойилларга таянган ғоялар асосида ижтимоий фикрни шакллантира оладиган ўзига хос механизмга бўлган эҳтиёж юзага келмоқда.

Шу нуқтаи назардан 2019 йил 2 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони (3) эълон қилинди. Ушбу Фармон асосида сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришнинг институционал-ҳуқуқий асосларини шакллантиришга эришиш назарда тутилган.

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, бугунги тезкор, шиддат билан тараққий этаётган дунё ҳамжамиятида умуминсоний қадриятлар ҳисобланган демократик ғояларни рўёбга чиқаришда “очиқ жамият” концепцияси ва жамиятда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ҳамда аҳамияти хусусида фикр юритиш ўзининг долзарблигини сақлаб қолмоқда, деган хулосага келиш мумкин. Шундан келиб чиқиб қуйида “очиқ жамият” концепцияси эволюцияси ва оммавий ахборот воситаларининг ривожланиш босқичлари юзасидан назарий қарашларга тўхталиб ўтамиз.

Асосий қисм

“Очиқ жамият” концепцияси моҳиятан фуқаролик жамияти хусусиятларини ўзида ифода этади. Чунки “Фуқаролик жамиятининг вужудга келиши мустақкам қодаларга асосланган синфий-феодал тизимни барбод қилган ҳамда индивиднинг жамиятдаги аҳамиятини юксалтирган капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ” (4, 9) бўлиб, шахсни тобеликдан озод этиш ва уни эркин фуқарога айлантирилишини ифодалайди.

Маълумки, “очиқ жамият” тушунчасини илк бор француз файласуфи А. Бергсон “Ахлоқ ва диннинг икки манбаси” номли асарида қўллаган. Ушбу

асарда А. Бергсон жамиятни ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этиб, уни икки турга бўлади. Одатлар, анъаналар, турғун стереотипларга асосланган авторитар типдаги бошқарув тартибини “ёпиқ жамият” деб атаб, бундай жамиятни тадрижий равишда боши берк кўчага кириб қолган, фақатгина ўзини сақлаб қолиш учун мавжуд бўлган тизимга ўхшатади. “Ёпиқ жамият”нинг белгиларини авторитет, иерархия ва турғунлик, деб баҳолайди. Иккинчи турдаги жамиятни эса табиий динамик ривожланишга замин яратадиган, инсон эркинлиги ва ижодкорлиги тамойилларига асосланган тизим сифатида кўради ва уни “очиқ жамият” деб атайди. “Очиқ жамият”ни инсонларнинг хоҳиш-иродасини ифода этувчи, эркинлик ва ошқоралик каби мезонларга таянган, ўзгаришларга мойил, тадрижий, ижодий жараён сифатида кўради. Очиқ жамиятнинг ушбу хусусияти жамоа манфаати шахс тақдиридан устун бўлган ёпиқ жамиятга қарши курашиш воситаси каби фикрни билдириб, “Эволюция узлуксиз, янгиланувчи ижод туридир” (5) деган ғояни илгари суради (6, 89-90).

“Очиқ жамият” концепцияси кейинчалик К. Поппер томонидан ривожлантирилган. К. Поппер “Очиқ жамият ва унинг душманлари” номли асарида Платоннинг файласуф-ҳукмдор ғоясини танқид қилиб, демократияни очиқ жамиятга шароит яратувчи сиёсий тизим сифатида эътироф этади. Демак, “очиқ жамият” тушунчаси назарий нуқтаи назардан демократия тамойилларига асосланган жамиятни ифодалайди (7, 82-94).

“Очиқ жамият”нинг илк кўринишларини Греция, Рим каби антик давлатлар мисолида кўриш мумкин. Сабаби антик даврда демократия элементлари – “фуқаро”, “жамият”, “давлат” каби тушунчалар ўзининг туб моҳиятини ифода этмаган бўлса-да, уларнинг ҳуқуқий асослари айнан ушбу даврда шакллана бошлаган. Илмий тадқиқотларда бу жараён “фуқаролик жамияти” ғоясининг тарихий ривожланиш босқичлари билан боғланади. Хусусан, Т. Н. Наумова фикрига кўра, “ҳар бир тарихий босқич “фуқаролик жамияти” ғоясининг туб моҳиятини англаш даражасини ифодалайди” (8, 12).

Маълумки, “фуқаролик жамияти” тушунчасини дастлаб Аристотель фанга тадқиқ этган. Аристотель назариясига кўра, давлат бу – ҳокимиятга бириктирилган ўзига хос шаклдаги фуқаролар маскани. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бирлиги ва боғлиқлигини таъминлаб беришда суд ва бошқарувда фаол иштирок этувчи фуқаро давлатнинг асосий субъекти ҳисобланади. Аристотель ғоясига кўра, борлиқнинг муайян бир қисмида қандайдир етишмовчилик бўлса, уни тўлиқ бахт деб атаб бўлмайди.

Шундай бўлса-да, “...антик давр ҳамда ўрта асрлардаги “давлат”, “жамият” каби тушунчалар бир-биридан фарқ қилмайди. Чунки бу даврларда

“давлат”, “жамият”, “сиёсат” каби тушунчалар моҳиятан бир хил маънони англатиб, фуқаролик жамияти социумнинг муайян ҳолатинигина акс эттирган. Бироқ шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонуний ифодаланадиган ва сиёсий ҳимояланадиган ўзига хос типдаги давлатни цивилизацияга эга бўлган фуқаролик жамияти, деб ҳисоблаш мумкин” (8, 13). Шу нуқтаи назардан ҳам “очиқ жамият”нинг илк кўринишларини айнан антик давр билан боғлаш имконияти вужудга келади.

Хусусан, “Тарихий нуқтаи назардан мустақил деҳқон, яъни ер эгалари дастлаб Грецияда пайдо бўлганлиги кузатилади. Фақатгина хусусий мулк эгалари муайян ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиши мумкин. Бу эса уларни фуқаролар деб аташга асос бўлади. Ижтимоий борлиқ тузилиши бўйича қарор қабул қилишда иштирок этиш ҳуқуқи – сиёсий ҳуқуқ ва зарурат бўлганда ўз ҳудудини ҳимоя қилиш имконияти фуқаролик ҳуқуқи моҳиятини ташкил этади” (8, 14).

Таъкидлаш жоиз, “демократия” термини (грекча “демос” – халқ, “кратос” – бошқарув) ҳам илк бор греклар томонидан муомалага киритилган.

Энг йирик қадимий сиёсий тизимга эга бўлган шаҳарлардан бири Афина ҳисобланади. Сабаби ушбу шаҳарнинг бошқарув тизими ўта мураккаб тузилишга эга бўлган. Масалан, марказий бошқарув органи Миллий кенгаш бўлиб, унда барча фуқаролар иштирок этиши шарт, деган қоида белгилаб қўйилган. Ушбу кенгаш ҳарбий раҳбарлик лавозимларига муносиб шахсларни сайлаган. Лекин фуқароларнинг бошқа ижтимоий вазифаларини бажариши учун сайлов ўтказиш қуръа ташлаш билан амалга оширилган ва овоз бериш ҳуқуқига эга барча фуқаролар у ёки бу лавозимга сайланишда тенг имкониятга эга бўлган. Ҳатто айрим ҳисоб-китобларга кўра, оддий фуқаронинг ҳаётда бир марта бўлса ҳам давлат хизматидаги энг юқори мавқега эга бўлиши ҳуқуқи мавжуд бўлган.

Илмий манбаларда “Греция дастлабки демократик давлат бўлса, Рим фуқаролар ва давлат ҳаётини тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар ва процедуралар тўлиқ ривожланган биринчи давлат эди. Империя таркибига кирган давлатлар турли ахлоқий тамойиллар ва ўз ҳаётларини бошқариш меъёрларига эга бўлганликлари боис, бундай давлатнинг вужудга келмай иложи йўқ эди. Бу хилма-хилликни назорат қилиш учун эса ҳеч бўлмаганда минимал даражадаги меъёрларни ажратиб олиб, уларни умуминсоний ҳаёт қоидалари, деб эълон қилиш зарур эди. Турли халқларнинг табиий ахлоқлари замирида вужудга келган Рим қонунчилиги халқаро характерга эга бўлган” (8, 14) каби хулосалар келтирилади.

“Давлат”, “жамият”, “фуқаро”, “сиёсат”, “ҳуқуқ” каби тушунчалар тадқиқотларда ёнма-ён қўлланадиган объектлар ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳуқуқ мезонлари ва ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиш жараёни турли халқлар ҳамда турли даврларда ўзига хос жиҳатларга эга бўлган. Бироқ бу жараённинг умумий қонуниятлари ҳам мавжуд. Ҳар қандай жамиятда вужудга келадиган муносабатларни муайян меъёрлар билан тартибга солиш талаб этилади. Бунга ижтимоий меъёрлар – кишилар ҳуқ-атвори ёрдамида эришилади. Ибтидоий даврда ушбу меъёрлар диний, ахлоқий талаблар билан уйғунлашган урф-одатларда акс этган.

К. Поппер фикрига кўра, “Очиқ жамият” концепциясининг ривожланиши плюрализмга кенг йўл бериши билан баҳоланади. К. Поппер “Мен адашишим, сиз эса ҳақ бўлишингиз мумкин. Зўр бериб ҳаракат қилсак, ҳақиқатга яқин келамиз” (9), деган фикрни илгари суради. Яъни унинг назариясига кўра, очиқ жамиятда хато қилиш ҳуқуқи ва уни бартараф этиш имконияти мавжуд. Хатоларни тўғирлаш, янгиликнинг яратилишига замин бўлади. Ёпиқ жамиятда эса аксинча, хатога йўл қўйилмайди, хатолик жазоланади. Натижада инсонларнинг интеллектуал танлов ҳуқуқи чекланади, фикрлаш қобилияти йўқолади.

Цицерон ўзининг давлат, қонунлар ҳақидаги “Суҳбатлар”ида “Давлатда овоз бериш ва фикр билдириш умуман сотиб олиб бўлмайдиган нарсалар бўлиши керак” (10) дейди.

Маълумки, жамиятда “сиёсий плюрализм” турли сиёсий кучларга давлат бошқаруви органлари вакиллиги учун рақобатлашиш муҳитини яратиб, ҳар хил сиёсий нуқтаи назарлар асосида юзага келадиган баҳс-мунозара, манфаатлар тўқнашувларининг қонун доирасида амалга ошишига хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда, “сиёсий плюрализм” – кўппартиявийликка асосланган очиқ жамият тамойилларини ҳаётга тадбиқ этиш имконини беради.

Жамиятда сиёсий плюрализмнинг мавжудлиги кўппартиявийлик тизим, сиёсий муҳолифат, эркин сайловлар, нодавлат жамоат ташкилотлари билан бир қаторда сўз эркинлиги ва оммавий ахборот воситалари эркинлиги билан ҳам баҳоланади. Чунки оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг энг муҳим институти ҳисобланади. У давлат ҳамда халқ ўртасидаги коммуникатор бўлиб, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий манфаатларини ҳимоя қилувчи вакил сифатида фаолият юритади. Оммавий ахборот воситалари барча фуқаролик институтлари каби бошқа жамоат ва давлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик доирасида давлат ва ҳудудий бошқаруви органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларга ўз таъсирини ўтказди.

Маълумки, сўз ва фикр эркинлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-, 67-моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган. 29-моддада: “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўз истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга...” (11), деган меъёр белгиланган бўлса, 67-моддада “учта муҳим принцип, яъни оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, уларнинг фаолиятида қонун устуворлиги ва цензурага йўл қўйилмаслиги ўз ифодасини топган” (12, 299).

Таъкидлаш жоиз, “очиқ жамият” концепцияси ривожланган мамлакатларда аҳоли эҳтиёжларини кўрсатиб берувчи механизм ҳамда сиёсий институтларнинг кузатув объекти бўлганлиги боис, оммавий ахборот воситалари фуқаролар манфаатларини ифода этувчи минбар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини халқ билан мулоқотнинг муҳим воситасига айлантириш борасидаги вазифаларни янада жадаллаштиришнинг аҳамияти кенгайиб бормоқда. Сабаби миллий тараққиётга эришишда ушбу соҳанинг самарали фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги мамлакатимизда ҳуқуқий жиҳатдан таъминланган бўлса-да, тез фурсат ичида миллий тараққиётни ривожланган мамлакатлар кўрсаткичларига олиб чиқиш йўлидан бораётган мамлакатимиздаги ечими топилиши зарур бўлган масалаларни ёритиш борасида миллий журналистикамиз фаолиятини ислоҳ қилиш вазифаси долзарблигича қолмоқда. Президент Ш.М. Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Айниқса, ҳаётимиздаги мавжуд муаммоларни, жойларда ташкил этилган Президентнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонада аҳоли томонидан кўтарилаётган ўтқир ва долзарб масалаларни, уларнинг сабаб ва омилларини очиб бериш, жамиятимизда танқид ва ўзини ўзи танқид руҳини кучайтириш, афсуски, оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳали тўла ўз ифодасини топгани йўқ” (13, 500).

Оммавий ахборот воситалари имкониятлари жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий, маърифий ҳаётини акс эттириш ҳамда ижтимоий фикрни шакллантиришда ўзига хос восита бўлганлиги боис давлат бошқарувида сиёсий феномен сифатида намоён бўлади. Ушбу соҳа жамиятда олиб бориладиган илоҳотларни баён этиш, таҳлил қилиш ва турли масалалар ечимини топиш юзасидан таклифларни олиб чиқиш учун минбар вазифасини ўтайди. Оммавий ахборот воситаларининг бундай хусусияти давлат ва халқ ўртасидаги мулоқотни ўрнатишдаги амалий механизм вазифасини бажаради. Яъни оммавий ахборот воситалари “очиқ жамият” концепциясида назарда

тутилган демократик ғояларни рўёбга чиқариш ҳамда фуқаролар эркинлигини таъминлаш каби вазифаларни амалга оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

2016 йилда Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати билан ҳамкорликда пресс-клуб форматида ташкил этилган учрашувда қатнашган ЮНЕСКОнинг ўша пайтдаги Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Криста Пиккат оммавий ахборот воситалари фаолияти мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислохотларни баҳолашда муҳим ўрин тутиши ҳақида тўхталиб, “Биз ҳаётимизнинг турли соҳаларидаги вазиятларни танқидий таҳлил қиладиган ҳамда журналистик суриштирувларни ўтказадиган ОАВга, журналистларга муҳтожмиз. Бу халқ учун ҳам, давлат учун ҳам муҳим” (14), деган фикрни билдирган.

Шунингдек, ушбу тадбирда қатнашган Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси раиси Фирдавс Абдухолиқов: “ОАВ бутунлай бошқача бўлади, биз Ўзбекистонда сўз эркинлигини янги даражага кўтаришни мақсад қилганмиз. Газета ва телевидениенинг анъанавий шаклларидадан воз кечиш керак – улар эскирди. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бизнинг жамият ахборотлашган. Фақатгина анъанавий ОАВ давлат ва халқ ўртасида “кўприк” бўлиши ҳақида гапириш – нотўғри. Биз халқаро стандартларга жавоб берадиган ва энг муҳими – халқимиз қабул қиладиган янгича медиа форматларни қидириш ҳақида ўйлашимиз лозим. Ўзбекистонда аҳолининг 60 фоизи – ёшлар, улар учун интернет ва ижтимоий тармоқлар анъанавий ОАВ ҳисобланади” (14) каби фикрларни билдириши ушбу соҳада ечими топилиши зарур бўлган масалалар мавжуд эканлигини англатади.

Маълумки, инсоният тарихида оммавий ахборот воситаларининг илк кўринишлари Ғарбда вужудга келган. “Ўрта асрларда Европада савдо-сотикнинг ривожланиши турли ахборотларни алмашиш эҳтиёжини юзага келтирди. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун янгиликларни йиғиш ва тарқатиш билан шуғулланувчи ахборот хизматлари шакллантирилди. (Римда Novellanti, Венецияда Scritori d'avviso). Танга – “gazzetta” номи билан аталувчи илк газеталар ҳам айна шу пайтда вужудга келган. Венецияда ушбу тангага янгиликлар тўпламини олиш мумкин бўлган” (8, 16–17).

Журнал ҳам дастлаб XVI асрнинг 2-ярмида Ғарб дунёсида пайдо бўлган. Назарий манбаларда таъкидланишича, журнал ўша даврда газетадан қатъий ажратилмаган. Баъзи давлатларда газеталар ҳам журнал деб аталган.

Ўзбекистонда илк чоп этилган журнал Махмудхўжа Бехбудий томонидан асос солинган “Ойна” журнали ҳисобланади. У 1913 йилда Самарқандда нашр

этилган. Ушбу журнал халқ озодлиги ҳаракати тимсоли сифатида вужудга келган.

Дунё журналистикаси тарихида илк оммавий ахборот воситалари нисбатан анча кеч вужудга келган бўлса-да, сўз эркинлиги ҳамма даврда ҳам ўзига хос шаклларда намоён бўлган. У бадиий образлар, талқинлар ёрдамида ифода этилган.

Хусусан, Шарқ адабий меросига назар ташлайдиган бўлсак, Юсуф Хос Хожиб Абу Наср Фаробий, Умар Ҳайём, Алишер Навоий, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларида учрайдиган ижтимоий ҳаётдаги воқеликлар таҳлили ҳамда танқидий фикрлар, шунингдек, давлат бошқаруви борасида илгари сурилган ғоялар “очик жамият” концепциясида назарда тутилган фикрлар хилма-хиллигига ёрқин мисол бўла олади. Яъни ҳукмдорлар, давлат арбоблари, адиблар ўз асарларида жамиятдаги муаммоларни баён қилиш, уларнинг ечимини топиш юзасидан фикр билдириш ҳуқуқига эга бўлганлар.

Масалан, Н. Комилов ўзининг “Тафаккур карвонлари” номли китобида “Умар Ҳайём – Шарқ Уйғонишининг йирик вакили. Унинг асарларидаги хурфикрлилик, “ҳаёт фалсафаси”ни акс эттирган дадиллик ва жасорат ўша буюк кўтарилиш даврининг акс садоси эди” (15, 174) деган хулосаларни беради.

Юқорида билдирилган фикрларнинг далили сифатида Алишер Навоий ижодидаги қуйидаги байтга диққатингизни қаратмоқчимиз:

*“Ўз диёрида ғариб элдин етар чун жавру зулм,
Эл диёрида ғариб ўлмоғлигим эрмас ғариб.”*

Ушбу байтда Алишер Навоий “Инсон – сийланган жойда азиз. У ўз юртидами, ўзга юртлардами, қаерда бўлмасин, ҳамиша меҳрга муҳтож. Лекин ўзгалар юртида ғурбат чекиш, ранж-алам кўриш ўз юртида жабр чеккан одам учун ғариблик эмас” (16, 191) каби чуқур маънога эга фикрларни билдиради.

Шу ўринда, мазкур байтда кўтарилган масала даврлар ошиб, ўзининг долзарблигини йўқотгани йўқ. Буни биргина Ўзбекистонда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган устувор тамойил асосида олиб борилаётган адолатли сиёсат тимсолида ҳам кўриш мумкин.

Хулоса

Илмий тадқиқотларда ижтимоий онгни шакллантириш ва ривожлантириш оммавий ахборот воситаларининг бирламчи вазибаларидан бири сифатида ҳам тадқиқ этилади. Унинг бундай функцияси одамларда

демократик тамойиллар асосида ижтимоий-психологик сифатлар, қарашларни шакллантириш ва уларга ишонч уйғотиш, уни моддий ва маънавий ҳаётга тадбиқ этиб, амалий натижаларга эришишга кўмак бериш имконини беради.

Маълумки, ижтимоий онг деганда, одамларнинг ижтимоий мавжудлигини акс эттирувчи жамиятда мавжуд барча ғоялар, назариялар, муносабатлар, ҳис-туйғулар, кайфиятлар, одатлар, анъаналар умумийлиги, уларнинг турмуш шароити тушунилади.

Хулоса қилиб айтганда, “очиқ жамият” концепцияси ва оммавий ахборот воситаларининг генезиси ҳамда эволюцияси турли даврлар ҳамда ҳар хил давлатларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ривожланган ва ижтимоий ҳаётда ўз ифодасини топган.

Эътироф этиш жоиз жамиятнинг сиёсий ҳаётида оммавий ахборот воситлари фаоллиги қуйидаги ҳолатларда акс этади:

1. Оммавий ахборот воситаларининг мамлакатдаги обрўси жамиятнинг демократлашув даражасини белгилайди.

2. Оммавий ахборот воситлари фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолати сифатида хизмат қилади.

3. Оммавий ахборот воситалари давлатнинг мафқураси, ҳокимият легитимлиги, плюрализм ва шу кабиларни ифодалайди.

К. Поппер “очиқ жамият” концепцияси хусусида фикр юритаркан, у илмда муайян назарияларга қандай келишимиз эмас, уларнинг танқидий фикрларни шакллантиришга қодирлиги муҳимдир. Очиқ жамият оммавий танқидга қодир, ёпиқ эса йўқ, деган ғояни илгари суради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2018 йил 28 декабрь – URL: <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasy-28-12-2018>
2. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2019 й., 06/19/5618/2452-сон – URL: <http://lex.uz/docs/4149765?query>
3. Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.02.2019й., 06/19/5653/2568-сон – URL: <http://lex.uz/docs/4188795?query>
4. Жалилов А., Мухаммадиев У., Жўраев Қ. ва бошқ. Фуқаролик жамияти асослари (ўқув қўлланма). –Т.: Вақтрия press, 2015. – 264 б.
5. Бергсон Анри. Афоризмы, цитаты, высказывания и изречения – URL: <http://www.aphorisme.ru/by-authors/bergson/?q=2438>
6. Бергсон А. Два источника морали и религии. – М. Канон, 1994. – 384 б.

7. Поппер К.Р. Открытое общество и его враги. Перевод с английского языка под общей редакцией В.Н.Садовского – URL: http://www.negentropy.ru/myroot/biblio/philosophy/open_society/popper.pdf
8. Чевозерова Г.В. Гражданское общество и средства массовой информации. Электронное учебное пособие. Часть 1. – Тольятти: Издательство ТГУ, 2017. – 152 б.
9. Материал из Википедии. Поппер, Карл. – URL: <https://ru.wikipedia.org/wiki>
10. Библиотека Михаила Грачева. Цицерон. О государстве – URL: http://grachev62.narod.ru/ciceron/Gosud_5.html#gp510
11. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. «Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 1-сон, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 3-4-сон, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 й., 12/1-сон, 343-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 152-модда; 2008 й., 52-сон, 510-модда; 2011 й., 16-сон, 159-модда; 2014 й., 16-сон, 176-модда; 2017 й., 14-сон, 213-модда, 22-сон, 406-модда, 35-сон, 914-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.10.2018 й., 03/18/498/2051-сон; 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон) – URL: <http://www.lex.uz/acts/20596>
12. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. – Т.: Ўзбекистон, 2013. – 544 б.
13. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.
14. Ҳукумат ва халқ мулоқотга тайёр. “Gazeta.uz” интернет нашри – URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2016/12/22/oav/>
15. Комилов Н. Тафаккур қарвонлари. –Т.: Маънавият, 1999. – 280 б.
16. Нусратулло Жумахўжа. Навоий ғазалиёти талқинлари. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 384 б.

REFERENCES

1. *O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Mazhlisiga Murozhaatnomasi* (The message of the President of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to Oliy Majlis), Tashkent, December 28, 2018. available at: <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasi-28-12-2018>
2. *Zhamijatda ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизimini tubdan takomillashtirish tўғрисида* (On Fundamental perfection the system of rising law consciousness and legal culture in society), Decree of the President of the Republic of Uzbekistan, Tashkent, available at: <http://lex.uz/docs/4149765?query>
3. *Ahborot soxasi va ommavij kommunikacijalarni janada rivozhlantirishga oid қўшимча чоратadbirlar tўғрисида* (On additional measures for the further development of the information sphere and mass communications), Decree of the President of the Republic of Uzbekistan, Tashkent, available at: <http://lex.uz/docs/4188795?query>
4. Zhalilov A., Muhamadiev U., Zho'raev Q. va boshq. *Fuqarolik zhamijati asoslari* (Basics of civil society), Tashkent, Baqtria press, 2015. 264 p.
5. Bergson Anri. *Aforizmy, citaty, vyskazyvaniya i izrecheniya* (Aphorisms, quotes, telling and sayings), Collection of aphorisms: aphorisms and wise thoughts, catch phrases, sayings, expressions, quotes and sayings, 2007-2019, available at: <http://www.aphorisme.ru/by-authors/bergson/?q=2438>

6. Bergson A. *Dva istochnika morali i religii* (The Two Sources of Morality and Religion), Moscow, Kanon, 1994. 384 p.
7. Popper K.R. *Otkrytoe obshchestvo i ego vragi* (The Open Society and Its Enemies), Personal site of Pavel Botov, Arkhangelsk, 97 p., available at: http://www.negentropy.ru/myroot/biblio/philosophy/open_society/popper.pdf
8. Chevozerova G.V. *Grazhdanskoe obshchestvo i sredstva massovoj informacii* (Civil society and mass media), Tolyatti, Publishing House of Tolyatti State University, 2017, 152 p.
9. Popper, Karl (Material from Wikipedia), available at: <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9F%D0%BE%D0%BF%D0%BF%D0%B5%D1%80,%D0%9A%D0%B0%D1%80%D0%BB>
10. Ciceron. *O gosudarstve* (On the Commonwealth), E-library of Mikhail Grachev, available at: http://grachev62.narod.ru/ciceron/Gosud_5.html#gp510
11. *Ўzbekiston Respublikasi Konstitucijasi* (Constitution of the Republic of Uzbekistan), Tashkent, available at: <http://www.lex.uz/acts/20596>
12. Mualliflar zhamoasi. *Ўzbekiston Respublikasining Konstitucijasiga sharh* (Comments on the Constitution of the Republic of Uzbekistan), Tashkent, O'zbekiston, 2013, 544 p.
13. Mirzijojev Sh.M. *Millij taraqqijot jylimizni qat'ijiat bilan davom jettirib, jangi bosqichga kytaramiz* (We will continue our path of national development with determination and bring it to a new level), 2017. Tashkent, O'zbekiston, 592 p.
14. *Xukumat va halq mulohotga tajjor* (Government and people are ready for dialogue), Tashkent, Gazeta.uz - electronic edition, December 22, 2016, available at: <https://www.gazeta.uz/uz/2016/12/22/oav/>
15. Komilov N. *Tafakkur karvonlari* (Caravans of Thoughts), Tashkent, Ma'naviyat, 1999, 280 p.
16. Nusratullo Zhumahyza. *Navoiy xazalijoti talqinlari* (Interpretations Navoi's ghazals), Tashkent, O'zbekiston, 384 p.